O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 21-aprel • Seshanba • 47 (29.008) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Эзгу ният, олижаноб мақсад йўлида изланиб-интилиб яшаш — кишини улуғлайди.



«А-300-600F» ЮК ТАШУВЧИ САМОЛЁТ ЎЗБЕКИСТОНДА

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

«O'zbekiston havo yo'llari» Миллий авиакомпанияси ва жаҳон юк ташувларида етакчи сифатида эътироф этилган «Korean Air» авиакомпанияси «Навоий» халқаро аэропорти базасида Минтақавий логистика марказини ривожлантириш доирасида ҳамкорликнинг янги босқичига ўтмоқда. Ҳаво кемаларини етказиб бериш режасига мувофиқ биринчи «А-300-600F» юк ташувчи самолёт кеча «Тошкент» халқаро аэропортига келиб қўнди.

Маълумки, жорий йилнинг 5 мартида Сеулда Ўзбекистон ва Корея авиакомпаниялари ўртасида иккита «А-300-600F» юк ташувчи самолётлари лизингги тўғрисидаги Келишув имзоланган эди. Мазкур ҳужжат янги бозорларни ўзлаштиришда амалий ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон логистика инфратузилмасини ривожлантириш, фуқаро авиациясини бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бўйича ўзаро тажриба алмашиш борасида муқаддам эришилган икки томонлама келишувлар асосида олиб борилаётган самарали ҳамкорликнинг натижаси бўлди.

Халқаро логистика марказининг фаолиятини жадаллаштириш мақсадида ҳаво кемалари базасини «Навоий» халқаро аэропортида ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Келаси ойнинг бошида бу ерга иккинчи «А-300-600F» юк самолёти олиб келиниши кутилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади — Навоий шаҳри аэропортининг мультимодал логистика маркази орқали Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга ўтадиган юк оқимини бирлаштириш мақсадида ҳамкорликда глобал юк ташувлари тармоғини ташкил этишдан иборатдир. Дастлабки босқичда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Навоий — Деҳли — Навоий, Навоий — Бангкок — Навоий, Навоий — Москва (Шереметьево) — Навоий йўналишлари бўйича юк қатновларини бажаради. Кейинчалик эса парвозларнинг Осиё йўналишлари ҳам, Европа йўналишлари ҳам кенгайтирилиши режалаштирилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Навоий» аэропортида халқаро логистика маркази фаолиятини жадаллаштиришда яна бир қадам қўйилди, бу эса Ўзбекистонга хорижий сармояларни самарали жалб этиш, айни чоғда экспорт ҳажмини ошириш ва республика саноатининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Самарқанд давлат чет тиллар институтида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китоби мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган масалаларни ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиздаги бир қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, иқтисодчи олим ва мутахассислар, институт талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз китобида зикр этилган ана шу чора-тадбирларни изчил амалга ошириш муҳим вазифа эканини таъкидладилар.

— Бугун кўплаб мамлакатларда инқироз туфайли ишлаб чиқариш ва маҳсулот экспорти ҳажми пасайиб, ишсизлик даражаси ортиб бормоқда. Мамлакатимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳаётга қатъий татбиқ этилмоқда, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори Мамаюнус Пардаев. — Бу эса иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз китобида мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсир даражасини камайтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида бажарилиши лозим бўлган чоралар батафсил баён этилган. Уни ўрганиш, зарур хулосалар чиқариш, белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш иқтисодчилардан тортиб оддий тадбиркоргача — барчамиз учун зарур ва ғоят фойдалидир.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Республика Байналмилал маданият марказида улуғ аллома Маҳмуд Қошғарий ижодий меросига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда олимлар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари ва юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори Т.Мирзаев, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори Б.Абдуҳалимов ва бошқалар халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, қайта тиклаш, аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш борасида Юртбошимиз раҳнамолигида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Жумладан, Маҳмуд Қошғарийнинг илмий-ижодий мероси атрофлича ўрганилмоқда, асарлари чоп этилмоқда. Алломанинг «Девони луғотит-турк» асари шулар жумласидандир.

Анжуманда Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, жаҳон илм-фани, маънавиятини юксалтиришдаги ҳиссаси, асарларининг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

✓ ЎзХДП: бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИШ УЧУН

самимий мулоқот ва амалий ишлар зарур

«Ҳақиқат» маҳалла ҳудудий партия ташкилоти ХДП Сирдарё туманидаги энг фаол қуйи ташкилотлардан ҳисобланади. 27 нафар аъзони бирлаштирган бу ташкилотга тажрибали педагог, ҳудуддаги 6-мактаб ўқитувчиси Ҳакимжон Алиқулов раҳбарлик қилади.

Ҳисобот даврида фаоллар партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, асосий диққат-эътиборни аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини аҳолига тушунтириш, ёшлар тарбияси, миллий қадриятларни тарғиб қилишга қаратдилар. Бундай вазифаларни адо этишда партиямизнинг Насиба Мирзаахмедова, Усмон Ворисов, Сабоҳат Аҳмедова, Қудрат Эсонов каби жонкуяр аъзолари ташаббус кўрсатишди. Масалан, У.Ворисов ёзги таътил пайтлари ёш педагоглар ва маҳалладошлардан хоҳиши борини йиғиб, ҳудуддаги корхоналар, фермер хўжаликларига маҳсулот етиштириш, экин парвариши, ўрим-йиғимда ёрдам уюштиради. Натижада улар аввало, ўзлари қўшимча моддий манфаат кўрди, айни вақтда фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, мактаб таъмири, ўқув-техника воситалари билан таъминлашда муайян ёрдам кўрсатди.

2-бет

❖ Фракция фаолияти

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИ муҳокама этилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот лойиҳасини муҳокама қилдилар. Масала юзасидан Ҳисоб палатасининг бош инспектори Олимхон Рустамов маъруза қилди.

— Ҳисоб палатасининг 2008 йилдаги фаолияти Президентимизнинг 2002 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари асосида амалга оширилди, — деди у.

2-бет

Шукроналик

• БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

— Ёшим саксондан ўтибди. Лекин ҳали бақувватман. Ҳар куни 5-6 чақирим пиёда юриб шаҳар айланаман, — деди Рўзмат ота Фозилов.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

• ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ҚУЛЛИККА РОЗИ БЎЛМАЙДИ

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, мазкур уюшган жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик «мўмай даромад» миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ҳам ошиб кетмоқда.

2-бет 3-бет

• ОРЗУЛАР ОСМОНИДАГИ КАМАЛАК

ёки Чироқчи туманида таълим ислоҳоти қандай ижро этилаётгани ҳақида

4-бет

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИ

муҳокама этилди

— «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетининг 2007 йилдаги ижроси бўйича ҳисобот ташқи аудитдан ўтказилди ва баҳоланди. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадининг тўлиқ шаклланиши ва харажатнинг мақсадли сарфланиши текширилди.

Сиёсий партияларнинг молиявий даромадлари шакллантирилиши ҳамда харажатларининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқлиги, молиявий аҳволи ўрганиб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига хулосалар тақдим қилинди.

Ҳукумат кафолати остида жалб этилган чет эл кредитларининг самарали ишлатилиши Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳисобига молиялаштирилган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси мисолида текширилган. Тошкент туман ҳокимлиги томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли, самарали сарфланиши ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 22 январдаги Қарорига асосан тугатилган қишлоқ хўжалик ширкатлари мулкини баҳолаш, сотишнинг қонунийлиги ўрганилган. Наманган ва Сирдарё вилоятлари бюджетининг 2007 йилдаги ижроси юзасидан текширувлар олиб борилган. Бундан ташқари, 2007 йилда Халқаро мусобақаларда спортчиларнинг қатнашиши ва Пекин шаҳрида ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ акциадорлик жамияти, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти томонидан экспорт-импорт ва валюта операцияларида қонунчиликка риоя этилиши, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг самарали сарфланиши юзасидан текширувлар амалга оширилган.

Ҳисоб палатасининг 2009 йилдаги Иш дастури, Президентимиз томонидан Ҳукуматнинг 2008 йил 8 февралдаги мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирози салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидан келиб чиққан.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатасининг назорат тадбирлари ва уларда аниқланган камчиликлар, кўрилган чоралар ҳақидаги масалалар фракция аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Караматулло Турғунбоев маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишининг олдини олиш, бундай ҳолга йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган.

Кўплаб экинзорларнинг пайҳон қилиниши ва уларга зарар етказиш ҳоллари мавжуд. Бу ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилининг анча миқдорда нобуд бўлишига олиб келмоқда. 2008 йилда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг пайҳон қилиниши ва уларга зарар етказилиши юзасидан 1600 та факт аниқланган.

Шу муносабат билан қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддасига мазкур ҳуқубузарлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича тегишли ўзгартиш киритиш таклиф қилинмоқда.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Асли КАМОЛ
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Шукроналик

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Марғилонга хизмат юзасидан боргандим. Ҳамкасбим, фотомухбир Абдуҳаким Раҳмонов «Оталар чойхонаси»да бир пиёладан чой ичайлик, деб қолди. Бу шаҳарнинг ҳавас қилгулик ўзига хос гўшаси бўлиб, у ерга кирганингиз ҳамон чойхоначи сизни хушкайфият билан эъзозлаб қарши олади, ўтирган заҳотингиз чойнак-пиёла билан бир жуфт нон, бир сиқим қуритилган ўрик, мағиз, ёз ва кузда эса Марғилоннинг машҳур ҳусайни узумидан ва лаганда ош келтириб қўяди. Кейин яна такаллуф билан «меҳмон хизмат бўлса айтаверадилар», деб қўяди. Шунинг учун Марғилонга келган меҳмонгина эмас, шаҳарликларнинг ўзлари ҳам тез-тез чойхонага чиқишади.

Чойхоналарда ёзувчи-шоирлар билан учрашувлар, аския кечалари, маърифий суҳбатлар уюштириш ҳам азалий анъаналардан. Балким шунинг учун марғилонликлар чойхонага ахборот алмашув ва ижтимоий фикр шакллантириш воситаси сифатида қарайди. Хуллас, одамлар озода, ораста чойхоналарга фақат овқатланиш учун эмас, дил қулфини очгани ва беғубор суҳбатлардан баҳра олгани ҳам келадилар.

Бизга кўк чой дамлаб келди. Бир-биримиз билан ҳол-аҳвол сўрашга улгурмадик ҳисоб. Ёнимиздаги давранинг қизғин баҳсига беихтиёр қулоқ тутишга тўғри келди. Уларнинг аксариятини танийман. Эл-юрт учун ҳалол меҳнат қилиб обрў топган ва ҳозирда қарилик гаштини суриб юрган отахонлар.

— Ёшим саксондан ўтибди. Лекин ҳали бақувватман. Ҳар куни 5-6 чақирим пиёда юриб шаҳар айланаман, — деди Рўзмат ота Фозилов.

У киши Марғилондаги кўплаб мактабларда раҳбарлик қилган. Жуда талабчан одам, аммо меҳрибон устоз, дейишарди у ҳақда. У пиёладаги чойини бир хўплаб олиб сўзида давом этди:

— Илгари мактаб биноларининг кам, болалар икки, ҳатто уч сменада ўқишарди. Янги мактаб қуриш ҳақида ёзиб бормаган жойим қолмаган. Халқ таълими вазирлиги, қурилиш вазирлиги остонасига қатнайвериб оёқларим қадоқ бўлган. Бюджетдан пул ажратишмагач, ипак комбинати ишчиларининг қурултойида шу масалани кўтардим. Ҳар тугул, рози бўлишди. Шундан кейингина 18-мактаб биносини қурдик. Аксарият қисми ота-оналар ҳашари билан битди. Энди-чи? Бугун «Машад» маҳалласида янги қурилган 32-мактабни бориб кўрдим. Синф хоналаридаги жиҳозлар, спорт заллари, ҳатто қишки сузиш бассейнигача бор-а! Эҳ, қани энди ёшлигим қайтиб келса-ю, бир ғайратимга минг ғайрат қўшиб шундай мактабларда ишласам.

— Нимасини айтасиз, — дея суҳбатга қўшилди Муқимжон ака Мамажонов. — Косибнинг ўғли эдим. Ўзим ҳам косибликдан тирикчилик қилдим. Ковуш-маҳсини яшириб тикардик, кейин минг хавотирда уни сотардик. Молия ушласа (у пайтда солиқ идораси вазифаси молия идораларига юкланган эди-да) жуда катта жарима соларди, ёки бекиниб қутулиб қолардик. Мустақиллик бўлдию, ҳунармандларга эркинлик берилди.Ҳозир ҳунармандларнинг куни туққан. Президентимизнинг отасига раҳмат. Худди дардимизни кўриб тургандек. Дастлаб 5 йилга ҳамма солиқдан озод қилиндик. Кейин ҳунармандлар уюшмаси тузилди, улар бизга камарбаста. Менинг ўзимдан 20-30 та шогирд уста бўлиб чиқди. Ҳаммаси ҳаётда ўз йўлини топиб кетди. Барака топсин, ҳунармандни қўллаганни ҳамиша Худо қўлласин.

Абдуҳаким РАҲМОНОВ олган сурат

Муқимжон аканинг қўли гул, дерди раҳматли дадам ҳам. Аям сингилларимга бир йилда бир шу устага оёқ кийими тикиши учун буюртма берар эди. Ҳозир ҳам устанинг дўконидан одам аримайди.

— Агар Ватан мустақил бўлмаганда ҳозир қандай яшаётган бўлардик-а? — ўртага савол ташлади Олимжон ота Норбоев. Ўзи шу саволга жавоб берди: — Тўрт сотих ҳовлида бир этак ўғил-қизларим, набираларим тиқилиб яшардик. Учта келинимни аранг жойлаб, эр-хотин бир ҳужрага чиқдик. Бир пайт телевизорда Президентимиз одамларга ҳовли-жой қилиши учун ер ажратиш ҳақида гапираяптилар денг... Аввалига ишонқирамадим. Илгари ота-оналаримиз ҳам бир қарич ерга зор ўтгандилар. Бирдан учта участка – ер беришди. Ҳамма ўғилларим ўз оила, бола-чақасига алоҳида уй қурди. Буни қаранг, ўшанда узум эккандим, тез орада мевага кирди. Ҳозиргача ҳар бир ҳовлидан камида 1,5-2 миллион сўмлик узум чиқади.

— Олимбой, ҳар гал узумини енг, боғини сўраманг, дер эдингиз, бу дейман гердайиб юришингизнинг сабаби томоркадан олган даромадда экандаа! — Давра Юсуфжон ака Давидовнинг аскиясидан кулгу кўтарилди. Марғилонда ҳунармандлик, тадбиркорлик ривожланишига катта ҳисса қўшган бу инсонни каттадан-кичик ҳурмат қилади. Юсуфжон ота ипакдан шойи матолар ишлаб чиқариш корхоналарида сидқидилдан ишлаган.

— Ҳозирги тўқимачилик корхоналарида ишчига яратилган шароитни кўриб ҳавасинг келади, — деди у. — На чанг, на шовқини бор дастгоҳларнинг. Илгари имо-ишора билан гаплашар эдик. Иш тугагач, цехдан чиқсак, қулоғимиз том битиб қолган бўларди. Мана энди қулай шароитларда, замонавий дастгоҳларда фарзандларимиз ишларимизни давом эттиришаяпти. Шукр, минг шукр, шу кунларга етганимизга.

Давра тўрида Абдулҳамид ота Отажонов ҳамманинг гапини эшитиб ўтирарди. Суҳбат шу ерга етганда ўзини тиёлмади:

— Юсуфжон ҳожи, тўғри айтдингиз. Замонамизга ҳар қанча шукрона айтсак кам. Юртдаги ободончиликни қаранг. Узоққа бормайлик. Марғилон кеча қандай эди-ю, бугун қандай гўзал шаҳарга айланди?! Нима туфайли шундай бўлди? Аввало, мустақиллик ва Юртбошининг халқпарварлиги туфайли. Шаҳарнинг 2000 йиллик тўйига Президентимиз келганларида биз билан учрашиб, суҳбатлашиб, руҳий қувват бериб кетдилар. Худо менга қанча умр беради, билмадим-у, аммо умрим охиригача ёшларга, одамларга мустақилликнинг қадрига етинглар дейман. Ҳозир сизлар айтаётгандек, ҳар биримиз шукрона айтиб дуода бўлишимиз лозим. Зеро, юрт тинч, халқ омонликда, эл бошида турганлар ободончилик ва фаровонлик ташвишида. Шунинг ўзи улуғ бахт эмасми?!

— Лекин буни ўйламайдиганлар ҳам бор-да, — деди Муқимжон ака афсуслангандай.

— Тўғри, беш қўл баравар эмас, — жавоб қилди Абдулҳамид ота. — Шу гапларни оилада айтиш, фарзандларга тушунтириш отанинг вазифаси. Биз қариялар ҳам маҳаллақўйда, керак бўлса, тўйларимизда ҳам бу ҳақда кўпроқ гапиришимиз керак...

Очиғи, чойхонада бир пиёла чой баҳонасида шунча вақт қоламиз, деб ўйламагандик. Ишимиз қанчалар зарур бўлмасин, бу дилкаш суҳбатни ташлаб кетгимиз келмасди.

Шу куни Марғилонда очилган янги корхоналарнинг бири фаолияти билан танишдик. Ишчи-мутахассислар билан суҳбатлашдик. Корхона ҳақида мақола ёзиш учун маълумотлар тўпладик. Аммо Абдулҳамид отанинг сўзлари ҳеч қулоғимдан кетмасди: «Юрт тинч, халқ омонликда, эл бошида турганлар ободончилик ва фаровонлик ташвишида. Шунинг ўзи улуғ бахт эмасми?»

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✱ ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

БУГУНГИ КУН АЁЛИ

фаол ва ташаббускор бўлишга интилмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ярмидан кўпроғи, ижтимоий соҳа ходимларининг салкам 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг ислоҳотларни изчил амалга ошириш, сиёсий институтлар иши ва сиёсий жараёндаги иштирокини кучайтириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Бироқ бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар оз эмас.

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан бўлиб ўтган «Хотин-қизларда сиёсий маданият, ижтимоий фаоллик ва фуқаролик масъулиятини шакллантириш — давр талаби» давра суҳбатида бу ҳақда кўп мулоҳазалар билдирилди. Республика партия кенгаши ижроқўми, «Фаол аёллар» қаноти, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ раислари, Нукус шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими раҳбарлари, фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчилари мавзу юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

— Қорақалпоғистон Республикасидаги партиямиз 603 та бошланғич ташкилоти раисларининг 179 нафари хотин-қизлардир, — деди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Гулнара Нурлепесова. — Республика, туман, шаҳар партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари таркибида ҳам муносиб ўрнимиз бор. Тахтакўпир, Қанликўл, Мўйноқ туман партия кенгашлари қошида «Фаол аёллар мактаби» ташкил этилди. Ижодкор аёлларнинг иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳимиз овул, қишлоқларда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Келгуси сафаримиз республиканинг энг шимолида жойлашган Мўйноқ туманига мўлжалланган. Май ойида эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақличева ва Қорақалпоғистон Республикаси «Олтин мерос» жамғармаси раиси Абадан Сапаровалар ҳамроҳлигида Фарғона водийсига ташриф уюштириб, у ердаги аёлларнинг турмуши, фаолияти билан яқиндан танишиб, тажриба алмашиш ниятидамиз. Барча саъй-ҳаракатларимиз бугунги кун аёлининг фаоллиги, ташаббускорлигини оширишга қаратилган.

— Хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини ошириш, аёлларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — деди Нукус шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулфия Дошекенова. — Биринчи галдаги вазифамиз аёлларнинг касб маҳоратини, ишчанлик қобилиятини, ташаббускорлигини ошириш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини яхшилаш ва ҳар томонлама кўмак беришдан иборат.

Шунингдек, сўзга чиққанлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш, янги иш жойларини ташкил этиб, ишсизларни иш билан таъминлаш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОНОБОДДА ЯНГИ КОРХОНА

Хонобод шаҳрида инвесторлар ҳисобидан барпо этилаётган корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Инком — Тарандубитель» корхонаси ўз базасида 100 ишчи ўринли тикув-трикотаж фабрикасини ишга туширди.

Мазкур корхонада нефть-газ саноати учун зарур бўлган ноёб маҳсулот — ошловчи экстракт модда ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Огоҳлик

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН

Одам савдоси муаммоси кейинги пайтларда кенг жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бу жиноятнинг содир этилиши натижасида инсоннинг конституция, қонун ва халқаро қонунчилик меъёрларида «муқаддас», «узвий», «табиий» ва «ажралмас» деб эътироф этилган ҳамда олий қадрият сифатида тан олинган дахлсиз ҳуқуқларига тажовуз қилинади. Ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабиҳ қилмишлар ётади.

Ташвишланарли жиҳати шундаки, дунё бўйича одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичининг ўсиши кузатилаяпти. БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, мазкур уюшган жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик «мўмай даромад» миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ҳам ошиб кетмоқда.

Ачинарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этмоқда. Ҳар йили дунё бўйича 600 мингдан 800 мингтагача аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилади.

2008 йилда республикамизда 2000 га яқин шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 200 га яқини аёллар, 30 нафардан кўпроғи вояга етмаганлардир. Амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар фош этилмоқда. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолат аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошиб, 891 та жиноятни ташкил этди.

Ушбу турдаги жиноят ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, шаҳвоний ёки бошқа ғараз мақсадларда ёлланган аёлларнинг асосий қисмини «истеъмол қилувчи» бўлиб Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Исроил, Малайзия, Туркия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика каби давлатлар ҳисобланади. Жабрланувчилар ушбу давлатларга Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Украина, Арманистон ва Озарбойжон орқали олиб чиқилмоқда. Бу давлатларнинг айримларида Ўзбекистон фуқароларига виза режими жорий этилмаганлиги жабрланувчиларни ушбу давлатлар орқали чет мамлакатларга олиб чиқиб кетиш ҳолатларини оширмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга. Латент сўзи лотинчадан таржима қилинганда «яширин», «кўринмас», «сезилмас» маъноларини англатади. Латент жиноятлар дейилганда,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 21 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1038,25	1 Польша злотийси	436,00
1 Англия фунт стерлинги	2130,83	1 СДР	2148,74
1 Дания кронаси	252,37	1 Туркия лираси	897,37
1 БАА дирхами	393,49	1 Швейцария франки	1236,71
1 АҚШ доллари	1445,22	1 Евро	1908,18
1 Миср фунти	256,59	10 Жанубий Корея вони	10,78
1 Исландия кронаси	11,22	10 Япония иенаси	146,28
1 Канада доллари	1188,89	1 Россия рубли	43,18
1 Хитой юани	211,48	1 Украина гривнаси	187,69
1 Малайзия ринггити	398,35		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИШ УЧУН

самимий мулоқот ва амалий ишлар зарур

Партия ташкилоти таркибида педагоглар ҳам анчагина. Йиғилишда улар таълим-тарбия масалалари, мактаб — оила, мактаб — жамоатчилик муносабатларига доир муаммолар ҳақида мулоҳаза юритишди. Шунингдек, болалар тарбияси, бунда ота-онанинг масъулияти, фарзандларимизнинг дарс ва мактабдан ташқари мақсадли йўналтириш ишлари бўйича қизғин баҳс бўлди. Маълумки, тарбия занжирининг бу ҳалқаси баъзан унутиб қўйилади. Бола мактабдан кейин қаерга борди, бўш вақтида нима билан шуғулланади, нима қилди — бунга ҳамма ота-она ҳам эътибор беравермайди. «Маҳалла» фуқаролар йиғини раиси Қудрат Эсонов йиғилиш аҳли эътиборини маҳалла фаоллари билан ҳамкорликка қаратди.

Ҳисоботда ва музокара иштирокчилари сўзларида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш масаласига алоҳида тўхталинди. Бинобарин, ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ бу йўналиш партиянинг муҳим дастурий вазифаларидан биридир.

«Ҳақиқат» маҳалласи ҳудудида 12 та хусусий корхона фаолият кўрсатади. Уларда 65 киши меҳнат қилаяпти. Сўнгги пайтда 7 нафар фуқаро касаначилик билан шуғуллана бошлади. Бу жами 2718 нафар аҳолиси бўлган маҳалла учун яхши кўрсаткич эмас, албатта. Шунинг ўзи БПТ зиммасига янги ташаббуслар билан чиқиш вазифасини юклайди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида қатнашган ХДП вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов, туман кенгаши раиси Маҳмуд Аҳмедовлар партия ташкилоти фаолиятини янада жонлантиришга доир таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдиришди. Расмий йиғилишлардан кўра, кўпроқ очиқ, самимий мулоқотлар зарурлиги таъкидланди.

Партиядошлар Ҳакимжон Алиқуловга ишонч билдириб, уни етакчиликка қайта сайлашди. Шунингдек, туман партия ташкилотининг навбатдаги конференциясига делегатлар сайланди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

ИМТИЁЗ — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кўлами тобора чуқурлашиб бораётганлиги сабабли дунёнинг ривожланган мамлакатларида деярли ҳар куни минглаб иш ўринлари қисқармоқда. Шу ўринда биздa-чи, деган савол туғилиши табиий. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» деб номланган асарини ўқиган ҳар бир юртдошимиз юқоридаги саволга жавоб топиши шубҳасиз.

Ўтган йил охирида мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Уни тўлақонли амалга ошириш учун эса қатор фармон ва қарорлар қабул қилиндики, иш ўринларини қисқартиришга эмас, балки аҳоли бандлигини янада оширишга, саноатнинг етакчи тармоқлари ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг ушбу асарида асосий вазифаларга тўхталиб, ***«жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга»*** эканлигини алоҳида таъкидлади. Масалан, 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор бунга яққол мисол бўла олади.

Ушбу ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, шунингдек, қишлоқларимизда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналар барпо этишдир.

Қарорда белгиланганидек, 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини саноат кўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади. Бундай корхоналарга ўз маҳсулотини автофургонларда аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилади. Бунда нақд маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳар куни инкассация қилиниши керак.

Бундан ташқари ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилаётганлигини ҳам эътироф этиш жоиз, 2012 йилнинг 1 январига қадар ихтисослаштирилган «Мевасабзаваттайёрловсавдо» компаниялари ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди. Асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирма ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш белгиланган. Буни эса ўзига хос рағбат дея баҳоламоқ лозим. Бўшайдиган маблағлар корхоналарни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтиришга, энг муҳими, янги иш ўринлари яратишга йўналтирилади.

Бу эса, шубҳасиз, ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарор ривожланишига, кўплаб иш ўринлари ташкил этилишига олиб келади. Энг муҳими, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси таъминланиб, моддий манфаатдорлиги ортади. Бизда бу каби амалларни рўёбга чиқариш учун салоҳият, имконият, шарт-шароит етарли. Бу борада инқирозга қарши чоралар дастури ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қобилжон МИРАҲМЕДОВ,
Наманган шаҳар ДСИ бошлиғи.

ТЕХАСЛИКЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ

мустақил бўлишга қарши

Американинг «Rasmussen Reports» маркази томонидан шу йил 17 апрелда ўтказилган ижтимоий сўров натижалари шундан далолат бермоқда-ки, Техас штати аҳолисининг кўпчилиги штатнинг Америка Қўшма Штатлари таркибидан ажралиб, мустақил бўлиш ғоясига қарши.

Маълумки, кейинги пайтда кўпгина сиёсатдонлар Техаснинг АҚШ таркибидан чиқиши ҳақида кенг миқёсли баҳс-мунозара юритмоқда. Жумладан, ҳатто Техас штати губернатори Рик Перри расмий Вашингтоннинг штатларга молиявий ёрдам ажратиш сиёсатини бир неча бор танқид остига олди ва юқорида айтилган сиёсатдонлар ғояларига шаъма қилди.

«Rasmussen Reports» маълумотларида қайд этилишича, сўровда иштирок этганларнинг 31 фоизи Техас штати АҚШдан ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузиш ҳуқуқига эга демоқда. Штатнинг мустақиллиги бўйича референдум ўтказилса, 18 фоиз фуқаро АҚШдан ажралиб чиқиш учун овоз бериши мумкин.Сўровлар шуни кўрсатадики, 75 фоиз аҳоли қарши. 7 фоизи ҳали бу борада бирор-бир қарорга келмаган.

Тарихдан маълумки, Техас Республикаси 1836 йилдан кейин мустақил давлат сифатида ҳаёт кечирган. Аммо 1845 йили уни АҚШ забт этган.



ЮЗДАН ОРТИҚ ЗАВОД

фаолият юритмаяпти

Жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози туфайли бугун Японияда юздан ортиқ завод ўз фаолиятини тўхтатган. Халқнинг харид қобилиятидан ортиқча товарларни ҳисобга олиб, корпорациялар ривожланаётган мамлакатлар бозорларидаги эҳтиёжни ўрганиб, товар ишлаб чиқариш масаласини кўриб чиқмоқда.



ИТАР-ТАСС хабар беришича, 2008 йил апрелдан сентябргача мамлакатда 28 та корхона конвейери тўхтаган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу рақам салкам 4 баробарга кўпайган, яъни 94 та завод ўз фаолиятини тўхтатган.

Таҳлилчиларнинг фикрича, жаҳон инқирози боис иқтисодиётдаги йўқотишларнинг 90 фоизи экспорт ҳажмининг пасайиши билан боғлиқ.

АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ

Божхона иттифоқи тузмоқчи

Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозорига (ташкилот номи шундай) кирувчи мамлакатлар (Common Market for Eastern and Southern Africa — COMESA) жорий йилнинг 7-8 июнида Зимбабве пойтахти Хараре да бўлиб ўтадиган саммитда Божхона иттифоқи тузиш ҳақида келишиб олдилар.



COMESA бош котиби Синдизо Нгвенянинг айтишича, бу иттифоқ умумий бозорга аъзо давлатларнинг савдо ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Маълумотларга қараганда, кейинги йилларда ушбу мамлакатларнинг умумий савдо кўрсаткичи 3,1 миллиард доллардан 9,2 миллиард долларга кўтарилган.

«AFP» АА хабар қилишича, саммит ўтган йил майда Хараре да ўтказилиши лозим эди, аммо жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози боис уни ўтказиш икки марта кейинга сурилди.

Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозорига 1994 йили асос солинган. У 400 миллион аҳолига эга 19 та мамлакатни бирлаштирган. Улар: Бурунди, Комор ва Сейшел оролларидаги, Жибути, Конго Демократик Республикаси, Эритрея, Миср, Ливия, Кения, Мадагаскар, Малави, Маврикий, Эфиопия, Руанда, Судан, Уганда, Свазиленд, Замбия ва Зимбабве.

...САММИТГА ЧАҚИРИЛГАНИГА ҲАЙРОН

В. Клаус уни қабул қилмоқчи эмас

Европа Иттифоқига раислик қилувчи Чехия президенти Вацлав Клаус «Шарқий ҳамкорлик» дастури доирасида шу йил 7 майда Прагада бўлиб ўтадиган Европа Иттифоқи саммитига Белорусь делегацияси таклиф этилганига ҳайрон қолмоқда. Чехия раҳбарининг матбуот котиби Радим Охватнинг айтишича, В. Клаус Белорусь президенти Александр Лукашенкони Прагада қабул қилмоқчи эмас ва умуман у билан кўл бериб кўришишни ҳам истамайди.

Сабаб: Европа Иттифоқи билан Белорусь ўртасидаги алоқалар 2006 йил мартда Белорусь Республикасида президент сайлови бўлиб ўтгач узилган. Ўшанда ЕИ А.Лукашенкони ва ҳукумат доирасидаги бошқа раҳбарларни халқаро сайлов андазаларини бузганликда, мухолифатга тазйиқ ўтказганликда айблаганди.

Саммитга Белорусь делегацияси ҳам таклиф этилганлиги ҳақида Чехия президентига Чехия ташқи ишлар вазири куни кеча маълум қилди. Аммо Белорусь президенти саммитга бориш-бормаслиги ҳозирча номаълум.



Шуни таъкидлаш лозимки, дейилади «Новости» АА хабарида, ЕИ ва Белорусь муносабатлари 2007 йилдан сал илий бошлаган. 2008 йил апрелда Белорусь Республикасида Еврокомиссиянинг ваколатхонаси очилди. Шундан сўнг Белорусь маъмурияти билан расмий алоқаларни тиклаш, Белорусь раҳбарларига нисбатан жорий этилган санкцияларнинг айримларини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бунга жавобан Белорусь ҳам 2008 йил августда — парламент сайловларидан олдин Ғарб талабига пешвоз чиқди, яъни барча сиёсий маҳбусларни озод этди. Яқин кунларда эса Белорусь Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши ҳақида овозалар тарқалди.

Дарвоқе, жорий йил 23 февралда ЕИга аъзо 27 мамлакат етакчиларининг Брюсселда бўлиб ўтган саммитида «Шарқий ҳамкорлик» лойиҳасига Белорусь Республикасини ҳам қўшиш таклифи маъқулланган. Шунинг учун ҳам Белорусь делегацияси 7 май саммитига таклиф этилган.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Пастдарғом туманидаги 4Н520 «Беш қаҳрамон қиплоғи — Зормон қиплоғи» автомобиль йўлининг *3*-километридаги Зах (Каттасарой) коллекторидан ўтган кўприкни тўла таъмирлаш	634 987 728 сўм	529 156 440 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

ҚУЛЛИККА РОЗИ БЎЛМАЙДИ

содир этилган, аммо аниқланмаган ва давлат идораларига хабар қилинмаган жиноятлар тушунилади. Бу жиноят қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёхуд қонунга хилоф равишда чет элга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси анча юқори эканлиги сабабли мазкур муаммо юзасидан бир қанча халқаро қонунчилик меъёрлари қабул қилинган ва такомиллаштирилмоқда. Одам савдосига қарши курашиш масаласи ҳақидаги биринчи халқаро ҳужжат 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган «Аёлларга шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида»ги резолюциядир. Шундан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан одам савдоси муаммоларига бағишланган бир қанча халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, «Қуллик тўғрисида»ги конвенция (1926 йил 25 сентябрь), «Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида»ги қўшимча конвенция (1956 йил 7 сентябрь), «Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-конвенция (1930 йил 28 июнь), «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-конвенция (1957 йил 25 июнь), «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенция (1950 йил 21 март), «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳақида огоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённомалар (2000 йил 15 ноябрь) фикримиз далилидир.

Республикамизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида давлатимиз хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавфли кўринишларига қарши курашиш ҳақида 29 та шартнома ва келишувлар имзолаган.

1994 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Жиноят кодексининг 135-моддаси «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш» деб номланиб, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилди. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун билан Жиноят кодексининг 135-моддаси номи «Одам савдоси» этиб белгиланди.

Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноий-ҳуқуқий меъёрлар такомиллаштирилди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, яхлит ҳолда амалга оширилмоқда.

Одам савдоси инсоннинг юксак эъзозга лойиқ бўлган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ва шахсий дахлсизлигига таҳдид солувчи жамиятдаги салбий иллатлардан биридир. Бу конституциявий талабни ҳаётга татбиқ этиш учун одам савдоси жиноятига қарши барча бирдек кураш олиб бориши талаб этилади. Ҳуқуқини, қадрини билган қулликка рози бўлмайди.

Ўктамхон ҚОДИРОВА,
ҳуқуқшунос.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
ЛОТ 1-4:				
Лот-1	Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги меҳнат ва уруш фахрийлари учун махсус шифохонани капитал таъмирлаш	465 934 043 сўм	388 278 369 сўм	6 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳар Скрининг маркази ва Самарқанд вилоят Перинитал марказини капитал таъмирлаш	1 083 187 068 сўм	902 655 890 сўм	6 ой
Лот-3	Самарқанд шаҳридаги 3-сонли туғуруқхонани капитал таъмирлаш	411 353 388 сўм	342 794 490 сўм	4 ой
Лот-4	Самарқанд шаҳри, М.Қошғарий кўчасидаги 2-сонли туғуруқхонани капитал таъмирлаш	836 237 004 сўм	696 864 170 сўм	7 ой

Қурилиш ишлари Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да*** ўтказилади.

❖ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ОРЗУЛАР ОСМОНИДАГИ КАМАЛАК

ёки Чироқчи туманида таълим ислоҳоти қандай ижро этилаётгани ҳақида

Мактаб. Биринчи синфга қадам қўйгандан буён мўъжизалар дунёсида яшаётган болалар. Сочлари оқарган муаллим дарс ўтаяпти. Хона деразасига урилаётган ёмғир томчилари кучаяди. Хонанинг охиридаги курсида ўтирибман. Кичкинтойларга мос ихчамгина курси. Шу топда болалигимда ўзим ўқиган қишлоқ мактаби кўз олдимга келди. Қишда кўмир, ўтин етишмай совуқда дирдираб ўтирардик. Парталар тор бўларди, аранг сиғардик. Тағин сақичдай қора рангга бўяларди. Бу хонадаги столлар эса зангори, кўнгилга сингадиган ранг.

...Тўғриси, бу ерга Чироқчи тумани ҳокими Камол Равшанов тавсияси билан келган эдим. «Ўтган йили анча янги мактаблар қурилди, бориб бир кўринг», деганди у. Туман халқ таълими бўлими мудири Норбой Жўраев «Мен тўрт йилдан буён шу лавозимдаман. Унгача ўн икки йил бошланғич синф ўқитувчиси бўлганман. Бола камолоти, зеҳнини ўстириш борасида кичкинтойларга сабоқ бераётган муаллимларимизнинг заҳмати оғир, лекин шарафли. Сизни ана шундай ажойиб ўқитувчилар ишлаётган мактабга олиб бораман», дея йўл бошлади.

Яшилликка бурканган ғаллазорлар оралаб ўтган тош йўлдан Хўжаабдижаббор қишлоғига етиб келдик. Девор билан ўралган 110-мактабнинг ҳовлиси салкам 2 гектар. Мевали дарахтлар ҳосил нишоналарини бера бошлабди. Дарахт қатор ораларида беда кўкариб турибди. Ўтган йили уни ўриб, 300 минг сўмга сотишган экан, мактаб эҳтиёжлари учун ишлатишибди. Мактабнинг янги қўшқаватли биноси ниҳоятда кўркам. Жами 320 ўқувчига мўлжалланган илм масканида айни пайтда 252 нафар ўғил-қиз таълим олаяпти. Бинонинг ёнида тумандаги 227-қурилиш ташкилоти спорт залини бунёд этаяпти. Қурилишга вилоят Болалар спорти жамғармаси 300 миллион сўм маблағ ажратган.

— Мактабларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари режа бўйича кетмоқда, — дейди Норбой Жўраев. — Очиғини айтсам, бундан бир неча йил бурун пахсадан тикланган, шароити ночор мактабларимиз анчагина эди. Бугун улар ўрнида биринкетин пишиқ ғиштдан қурилган замонавий илм масканлари қад ростлаяпти. Ўтган йилнинг ўзида 2 та мактаб қурилди, 15 та мактаб биноси таъмирдан чиқарилди. Бу йил 28 та мактабимизда таъмирлаш ва қурилиш давом эттирилмоқда. 4 та спорт зали қурилиши режалаштирилмоқда. Ҳозир 175 та мактабимизда 78,5 минг нафар ўғил-қиз таълим олмоқда.

Кўпинча Қарши шаҳри, Муборак, Шаҳрисабз, Китоб ёки Яккабоғ туманларидаги мактаблар бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу жойларда мактаблар илгаридан лойиҳа асосида қурилган. Мустақиллик йилларида Чироқчи тумани ҳам қаддини тиклади. Яроқсиз ҳолга келган мактаблар ўрнида янгиларини қуриш, реконструкция қилишга жиддий эътибор қаратилди. Мактаб ҳаёти билан танишар эканман, фидойи ўқитувчиларнинг ўқитиш услублари билан ҳам қизиқдим.

Мактаб ҳовлиси, синфхоналар тоза, ораста. Фан хоналарида зарур кўргазмали қуроллар етарли. Айниқса, кимё, биология хоналарида бу яққол кўриниб турибди. Муаллим Тўхта Шерғозиев дарс давомида кимё фани мўъжизаларини амалий тажрибада кўрсатди. Ўқувчилар устозлари бераётган сабоқни жуда яхши ўзлаштираётгани бийрон-бийрон жавобларидан билиниб турар эди. Физика фани ўқитувчиси Абдувоҳид Насриддинов ўз ишига ижодий ёндашадиган ўқитувчилардан. Фақат дарсликни варақлаб сабоқ бериш билан мустақил ўқиб-ўрганаётган, интернет, компьютерларга кўникиб бораётган ёшлар кўнглига йўл топиб бўлмаслигини яхши билади. Шунинг учун ўқитувчи дарс ўтишга пухта тайёргарлик кўриши, ўз фани янгиликлари, ўқитиш услубларидан тўла хабардор бўлиши талаб қилинади.

— Мен асли қаршиликман, шаҳардаги мактаб билан қишлоқ мактабидаги шароитда илгари ер билан осмонча фарқ бор эди, бугун эса таққослаб кўрсангиз, сезиларли фарқи қолмаган, — дейди инглиз тили муаллимаси Фазилат Исмоилова. Ўқувчиларим луғат билан ишлашни, инглиз тилида ўз фикрларини ифода қилишни қизиқиш билан ўрганишаяпти.

— Очиғи, ўқитувчиларга нисбатан талабчанлик ошиб бораяпти, — суҳбатга қўшилади мактабга етти йилдан буён раҳбарлик қилаётган Зафар Жўраев. — Жами 31 муаллимдан 22 нафари олий маълумотли. Бошланғич синфда ким ўқитгани юқори синфда яққол кўзга ташланади. Шу боис тажрибали бошланғич таълим ўқитувчиси Нормурод Мадатов тажрибасини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатамиз.

Нормурод Мадатов йигирма етти йилдан буён кичкинтойлар устози. Англаганим, у болаларнинг эркин интилишларини қўллаб-қувватлар, турли рангларни кўрсатиб, сўз билан ифодалашга, расмларга қараб ҳикоя қилишга ўргатар экан. Шу пайт қўнғироқ чалинди. Дарс тугаган эди. Ташқарида ёмғир ҳам тинди. Деразадан Қуёш нурлари сув томчиларидан ҳосил қилган камалак товлана бошлади.

— Айтингчи, домла, боя ўқувчиларингизга турфа рангли суратларни кўрсатдингиз. Улар ҳамма рангни фарқлай олишадими?

— Биз, катта ёшдагилар рангларни бирдан англай олмаймиз, — кулади Нормурод ака. — Аммо болалар, хув, осмондаги камалакнинг етти хил рангини бирдан кўришга ишқибоз. Уларнинг орзулари ана шу камалакдек ранг-баранг, нафис. Унга ғубор туширмасак, уни асрасак, қўллаб борсак, улар дунёни кашф қила бошлайдилар. Орзулари аста-секин мақсадга айланади...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *бошланғич синф ўқитувчиси Нормурод Мадатов.*

МАҲОРАТ МАКТАБИ

FILAнинг Golden Grand Prix туркумидаги «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнирида ҳамюртларимиз учта олтин, тўртта кумуш ва бешта бронза медалига сазовор бўлдилар



Тўрт кун давом этган халқаро турнирда дастлаб юнон-рум курашчилари орани очиқ қилиб олишди. Дастлаб Элдор Ҳафизов (55 кг.) олтин, Санжар Жумашев (55 кг.), Владимир Гегешидзе (84 кг.) кумуш ҳамда Суҳбат Ҳожиев (120 кг.) бронза медаллари билан тақдирланишди. Турнирнинг иккинчи кунида эса 74 кг. вазн тоифасида барча совринли ўринлар спорчиларимизга насиб этди. Жаҳонгир Мўминов финалда Азизбек Муродовни мағлубиятга учратди. Ўзбекистон терма жамоасининг умидли юнон-рум курашчиларидан саналган Шмага Гулиашвили эса шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Эркин кураш бўйича 55 кг. вазн тоифасида бир неча карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров бу гал ўз омадини 60 кг. вазн тоифасида синаб кўрди. У финалгача барча рақибларини катта устунлик билан енгди. Фақатгина ҳал қилувчи баҳсда ҳамюртимизга бироз омад етишмади, украиналик Евгений Хавиловга кичик фарқ билан ютқазиб, кумуш медаль билан тақдирланди. 66 кг. вазн тоифасида эса биринчи ўрин икки эркин кураш устаси Ихтиёр Наврўзов, Алихон Воҳидовлар шоҳсупанинг учинчи поғонасини банд этдилар. Шунингдек, Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори Сослан Тигиев (84 кг.) бу гал бронза медали билан кифояланди.

Осиё чемпиони Қурбон Қурбонов (96 кг.) мамлакатимиз терма жамоаси ҳисобидаги олтин медаллар сонини учтага етказди. У финалда қозоғистонлик Даулет Шабанбайни чиройли тарзда мағлуб этиб, бош совринга сазовор бўлди.

Икки карра Олимпия ва жаҳон чемпиони Артур Таймазов (120 кг.) бу гал беллашувларни томошабинлар қаторида кузатиб борди.

— Бу йилги турнир чоғида дам олдим, — дейди Артур Таймазов. — Бу эса беллашувлар пайтида навбатдаги жаҳон чемпионати ҳамда Лондон олимпиадасида менга рақиб бўлиши кутилаётган курашчиларнинг имкониятларини ўрганиш имконини берди. Россия, Эрон, Грузия терма жамоалари энг кучли таркиб билан Тошкентга келишди. Охирги олимпиада ва жаҳон чемпионатларида айнан шу давлатлар вакиллари билан рўбарў келгандим. Турнирда россиялик Билол Махов ҳақли равишда ғалаба қозонди. Лондон олимпиадасигача яна уч йил вақт бор. Бу вақт мобайнида 96 кг. вазн тоифасида курашаётган айрим спортчиларнинг ўта оғир вазндаги курашчилар қаторига кириш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шу боис, уларнинг беллашувларини ҳам диққат билан кузатдим.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу турнир ёш истеъдодларимизни синовдан ўтказиш учун катта имкон берди.

Мусобақани кузатиб борган Халқаро спорт курашлари федерацияси президенти Рафаэль Мартинетти, FILA вакиллари, ҳакамлар ва бошқа хорижлик меҳмонлар «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мусобақаси юқори савияда ташкил этилгани, Ўзбекистон ҳукумати курашни ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани, Республика спорт курашлари ассоциацияси ёш истеъдодларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидладилар.

Эркин ХОЛБОБО.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

СПОРТ

МУРОСАСИЗ ЎЙИНЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати профессионал лигаси баҳслари турдан турга шиддатли тус олмоқда. Буни мавсумнинг олтинчи турида қайд этилган натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Ҳар йили чемпионатнинг совринли ўринлари учун курашишга одатланган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Олмалиқда «Олмалиқ» футболчиларига имкониятни бой берди — 1:0. Бу Юрий Саркисян бош мураббийлик қилаётган «Нефтчи» вакилларининг тўртинчи мағлубиятидир. Урганчда эса «Хоразм» футболчилари «Бунёдкор» жамоаси дарвозабонларининг мавсумдаги голсиз серияси нуқта қўйишди. Учрашувда биринчи бўлиб тўп киритган мезбонларга бироз тажриба етишмади. Натижада кичик фарқ билан мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони ғалаба қозонди. — 1:2.

Мазкур тур олдидан айрим жамоалар мураббийлар штабида ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида унчалик ишлари юришмаётган «Бунёдкор» жамоасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов иш бошлади. У энди «қалдирғочлар» жамоасида бош мураббий Ҳикмат Эргашевга ёрдам беради. Шунингдек, мавсумни муваффақиятсиз бошлаган Самарқанднинг «Динамо» футбол клубида ҳам ўзгариш бўлди. XII Осиё ўйинлари ғолиби Азамат Абдураимов динамочилар бош мураббийи этиб тайинланди. Унга яна бир таниқли футболчи Равшан Бозоров катта мураббий сифатида кўмаклашади. Аммо Азамат Абдураимовнинг дебют учрашуви муваффақиятли бўлмади. Сафарда «Бухоро» жамоаси меҳмони бўлган самарқандликлар майдондан бош эгиб чиқиб кетишди — 2:0.

Мавсум арафасида ўз таркибида катта ўзгаришларни амалга оширган «Насаф» футболчилари бу сафар Қаршида «Навбаҳор» жамоасини катта қийинчилик билан енгди. Учрашувнинг 28-дақиқасида Камолиддин Мурзоев томонидан киритилган ягона гол мезбонлар ғалабасини таъминлади. Агар 8-дақиқада Кенжа Тўраев меҳмонлар дарвозаси томон белгиланган пенальтини аниқ амалга оширганида ҳисоб мутлақо бошқача кўриниш олиши мумкин эди.

Турнинг қолган ўйинлари қўйидагича якунланди: «Пахтакор» — «Металлург» — 1:0, «Шўртан» — «Қизилқум» — 2:1, «Локомотив» — «Машъал» — 1:0, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 4:3.

Навбатдаги тур ўйинлари 25-26 апрель кунлари бўлиб ўтади.

❖ Дон — ризқ-рўзимиз

БАРАКА СОЧИЛГАН ДАЛАЛАР

Кенг ва равон йўл. Икки томони ям-яшил ғаллазор кўзга қувонч бағишлайди. Ҳамроҳим ундан кўз узмайди. Ҳатто гоҳида мийиғида жилмайиб қўяди, пичирлаб ўзича дуо қилади, қўлларини юзига суртади.

— Сўраганнинг айби йўқ, нимадан бунча мамнунсиз, ота? — дедим унга.

— Нимасини айтай, биродар, ғалла қандай барқ уриб ўсаётганини кўраяпсизми? Кўрсанг, дилинг яйрайди. Бунақаси бўлмаган! Йил яхши келди. Ғалланинг йили бўлди, ука! Худо хоҳласа, хирмон баракали бўлади!

— Айтганингиз келсин! Кеча бир отахон ҳам шуни айтиб, хурсанд бўлган.

— Ғалла ризқ-насиба, биродар. Дастурхон тўкинлиги — турмуш фаровонлиги, дегани. Яна қанча сомон беради. Буям ем-хашак, буям ризқ-насиба.

Йўлдошим ғалла илмини обдон билар экан. Уни етиштириш ва асраш ҳақида кўп гап айтди, У ҳеч ғаллазордан кўз узмас эди. Бирдан ғаллазор четида юрган учта қўйни кўриб:

— Шу ерда бир нафас ростлайлик, ука! — деди у.

Машинани четга олдим.

— Анави қўйларни кўраяпсизми? Қўй-ку ҳеч гап эмас. У чимдиб ейди. Ундан нарида ўтлаб юрган отларни қаранг! У чатоқ, ғаллани анғизи билан узади!

У тушиб, ҳассасини силкитиб жониворларни ҳайдай бошлади. Мен унга ёрдамлашган бўлдим.

— Буни қара, отни тушовлаб қўйипти! Шу ҳам инсофданми?!. Икки бўйрача жойни пайҳон қилибди. Яхшиям, шуни кўриб қолдик. Эгаси қайда экан?! — деб у тўрт тарафга аланглади.

Шу топда қўлида арқон кўтарган бир йигит етиб келди.

— Тинчликми, отахон?

— Кўрмаяпсанми, отларни амалладик, лекин қўйларинг ғаллага кириб кетаяпти-ку!

— От меники эмас, қўйлар ҳам! Биз назоратчимиз, — деб у ҳужжат кўрсатди. — Ҳозир ҳаммаси жой-жойига тушади!

— Хайрият, ғаллазор эгали экан! Сизга ишондик, барака топгур!

Суҳбатдошим ғаллазорни пайҳон қилиш гуноҳи азим эканини йўл-йўлакай таъкидлади:

— Ғаллазор — кўпчиликнинг ризқ-насибаси. Уни топташга, пайҳон қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ғаллазор ҳам билсангиз, муқаддас жой. Пайҳон қилинса, уволи тутади...

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказиб келинмоқда. Куни кеча пойтахтимиздаги Ҳамза темир йўл касб-ҳунар коллежида «Шунқорлар — 2009» мусобақасининг Тошкент шаҳар финал босқичи бўлиб ўтди.

Жамоаларнинг сафда юриш бўйича тайёргарлиги, саф қўшиғи, мерганлик, граната улоқтириш, кросс, ҳарбий топография сингари ўнга яқин шартлар бўйича ўтказилган мазкур танловда ўнта жамоа иштирок этди.

Мирзо Улуғбек молия-технология касб-ҳунар коллежи ўқувчилари биринчи ўринни эгаллаб, май ойида ўтказиладиган «Шунқорлар — 2009» ҳарбий-спорт ўйинларининг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 23.15
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda